



29
(1503)-son
24-iyul
2021

Xabar


ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

IT-Парк ИККИ ЁШДА

Ташкилотнинг икки йиллик фаолиятидаги натижаларга бағишланган онлайн матбуот анжумани ўтказилди



Маълумки, икки йиллик фаолияти давомида IT-Парк ахборот технологиялари соҳасида катта натижаларга эришиб, ёш авлоднинг ривожланиши, шунингдек, мамлакатда ўз фаолиятини амалга ошираётган IT-компаниялар сони ва сифатининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берди.

Бир миллион дастурчи

ФАОЛ ЎҚИТУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



One Million Uzbek Coders лойиҳаси доирасида uzbekcoders.uz платформаси орқали умумтаълим мактаблари информатика фани ўқитувчилари учун ўтказилган танлов ўз якунига етди. Танлов натижасига мувофиқ ТОП-100та ўқитувчилар рўйхатига кирган фарғоналик 13 нафар ўқитувчи ғолиб бўлди.

Ғолибларни тақдирлаш тадбири Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар ўқув марказида ўтказилди. Лойиҳа доирасида ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган давлат умумтаълим мактабларининг 13 нафар энг яхши информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчисига АКТ вазирлиги томонидан диплом ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Аввалроқ Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида IT-таълим ва "Бир million дастурчи" лойиҳаси ривожига қўшган ҳиссаси учун саккиз нафар хоразмлик ўқитувчи тақдирланган эди.


ЯНГИЛИК

SMART EYE ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг "Ахборот таълим технологиялари" кафедраси мудири Хошим Раҳмонов талабалар билан биргаликда оморларда ёнғинни аниқлаш, бу ҳақида тегишли органларга ёнғин чиққан жой локацияси ва тасвирини мужассамлаштирган хабарни юбориш Smart Eye лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Инновацион лойиҳанинг мақсади видеокузатув камералари ёрдамида олинган тасвирларни интеллектуал таҳлил қилган ҳолда олов ва тутунни автоматик таниб олишнинг аппарат ва дастурий қурилмасини яратишдир. Яратилган аппарат ва дастурий қурилма очик майдонларда содир бўлган ёнғинни автоматик таниб олади ва хабарни тасвир қўринишида ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасига ёки диспетчерга автоматик юборади.

Ҳозирда лойиҳа доирасида ёнғинни видеотаъсирлар ёрдамида автоматик таниб олиш, ёнғин ҳақидаги маълумотни автоматик юбориш алгоритми ва дастурий воситаси, олов ва тутунни очик майдонларда масофадан таниб олувчи ва ёнғин ҳақидаги хабарни тасвир қўринишида автоматик



юборувчи интеллектуал тизимнинг аппарат ва дастурий қурилмаси ишлаб чиқилган.

Кузатув видеокамералари ёрдамида доимий кузатиш қийин бўлган ҳудудларда (ўрмонлар, очик дала майдонлари) ёнғинни тезкор аниқлаш ҳамда бунинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш имкониятини беради.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби

ЖАҲОНДА ВАКЦИНАЦИЯ (ТОП-10)

Коронавирусга қарши вакцинация жараёни жаҳоннинг турли нуқталарида ҳар хил кечмоқда. 16 июл ҳолатига кўра, аҳолисининг 79,46 фоизини эмлаб бўлган Малта ҳозирча етакчи.

1. Малта – 79,46 фоиз
2. Баҳрайн – 74,51 фоиз
3. Исландия – 74,18 фоиз
4. Сейшел ор. – 74,06 фоиз
5. Сан-Марино – 69,05 фоиз
6. БАА – 66,02 фоиз
7. Чили – 62,88 фоиз
8. Исроил – 61 фоиз
9. Мўғлистон – 58,37 фоиз
10. Уругвай – 57,82 фоиз



Манба: Our World In Data, Яндекс.

Харакатлар стратегияси

**Jumadan
Jumagacha**



15 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашув ўтказди. Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари кўриб чиқилди.

15 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хон дастлаб тор доирада музокара ўтказди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва транзит соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Ташриф доирасида имзоланган 8та ҳужжат амалга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 июл куни "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этган хорижий мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Хусусан, Россия, Қозғоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркия, Саудия Арабистони, Кувайт, Озарбайжон, Бангладеш, Европа комиссияси вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Америка Қўшма Штатлари Президентининг маслаҳатчиси бошчилигидаги делегация, БМТ Бош котиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи котиби билан учрашувлар самарали ўтди.

18 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Республикаси Федерал Канцлиери Ангела Меркел ва Федерал Президенти Франк-Валтер Штайнмайерга ушбу мамлакат гарбида рўй берган ҳалокатли тошқинлар оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан таъзия йўллади.

Президент Шавкат Мирзиёев 19 июл куни насос станцияларини модернизация қилиш орқали қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруvinинг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарор эълон қилинди.



IT-Парк ИККИ ЁШДА

Ташкилотнинг икки йиллик фаолиятидаги

1 ← натижаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди

2019 йил 24 июл куни Тошкентда мамлакатимиздаги биринчи IT-Паркнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кейинги икки йил мобайнида республика бўйлаб 14та ихтисослаштирилган IT-мактаб очилиб, таълимга, стартап экотизимини ривожлантиришга, шунингдек, маҳаллий IT-компанияларнинг ўсишига, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда самарали амалга оширишда ёрдам берди. 2021-2022 ўқув йили охирига қадар республика бўйлаб 80дан ортиқ IT-мактаб очил режалаштирилган бўлиб, 2023-2024 ўқув йили охирига бориб уларнинг сони мос равишда ҳар битта мактабга - 205тага кўлайтирилади.

Ёш авлод ўртасида ахборот технологиялари соҳасига бўлган хабардорликни ошириш ва оммалаштириш мақсадида республика IT-Олимпиадаси ўтказилиб, унда барча 14та IT-мактаб ўқувчилари иштирок этди. Барча вилоятлардан жами иштирокчилар сони 770 нафар мактаб ўқувчиларини ташкил этди.

IT мактабларида ўқишни тугатгач, битирувчилар бутун мамлакат бўйлаб очиладиган IT марказларида ўқишни давом эттириш ва ахборот технологияларини чуқур ўрганиш имкониятини қўлга киритадилар. IT-Паркида 147та IT-Марказ очилган бўлиб, унда 40 минг 255дан ортиқ тингловчи таълим олган. Ушбу AT марказларининг очилиши туфайли 294дан ортиқ иш ўрни яратилди. Жорий йилда IT-марказлар сонини 205тага етказиш режалаштирилган бўлиб, уларда янада кўпроқ иш ўринлари яратилиб, янада кўпроқ ёшлар ўқитилади.

Бундан ташқари, One Million Uzbek Coders кенг қўламли лойиҳаси ишга туширилди, унда икки йил давомида 469 260 фойдаланувчи рўйхатдан ўтди, 246 587 талаба гувоҳномалар ва 176 883 битирувчи сертификатлар олди. One Million Uzbek Coders - IT-Парк томонидан яратилган бепул таълим платформи Dubai Future Foundation жамғармаси билан биргаликда ма-лакали халқаро экспертлар видео-

дарсларини бепул ўрганиш орқали маълумотлар таҳлили, frontend ва backend дастурлашнинг асосий тушунчаларини, шунингдек, мобил иловалар яратишни бепул ўрганиш имконини беради.

Дастурлаш ва маълумотлар таҳлилида асосий курсларни тугатгач, фойдаланувчиларга Udacity Nanodegree гранти эгалари бўлиш имконияти берилди, бу эса уларга One Million Uzbek Coders лойиҳаси доирасида янада илғор даражада сабоқ олиш имконини беради. Ушбу грант эгалари сони бугунги кунда 250 нафардан ортиқни ташкил этади. Бундан ташқари, талабаларнинг тадбиркорлик руҳини ошириш мақсадида мамлакатимизнинг 16та олий ўқув юртида IT-Парк ташаббуси билан инкубация марказлари ташкил этилиб, унда талабалар билан ишлаш ва уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, инкубация марказларида 120дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларида жами 12та инкассация ва тезлатиш дастурлари ҳамда 30дан ортиқ ўқув тадбирлари ва демо кунлари ўтказилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, икки йил ичида Гулистон, Марғилон, Андижон, Самарқанд, Жиззах, Навоий ва Бухоро каби вилоятларда IT-Паркнинг етти филиали очилди. IT-мутахассисларга юқори сифатли инфратузилмани таъминлаш учун Ўзбекистонда (ҳар бир ҳудудда биттадан) жами 14та IT-Парк филиалларини очиш режалаштирилган.

Таъкидлаш керакки, 2020 йилнинг 18 августида АҚШнинг Делавер шаҳрида IT-компанияларга АҚШ ички бозорига кириш учун шароит яратиб берувчи IT-Парк ваколатхонаси очилди. Ваколатхонанинг асосий вазифаси ички маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни рағбатлантириш, реклама кампанияларини ўтказиш, бю-юртмаларни қидириш, АҚШ мижозлари ва IT-Парк резидентлари ўртасида шартномалар тузишда

ёрдам беришдир. Ваколатхона ҳар икки томон учун - бююртмачи учун бажарилган ишнинг сифати бўйича, пудратчи учун бажарилган иш учун ҳақ тўлаш бўйича ҳам ка-фил вазифасини бажаради. Бунинг учун халқаро стандартларга жавоб берадиган сўғурта ва кафолат тизимлари жорий этилган.

IT-Парк корпоратив инновациялар доирасида ҳам фаол иш олиб боради, бу эса уларнинг ривожланиши ва ўсиши учун мавжуд компанияларга янги ғоя ва имкониятларни жорий этиш жараёнини ўз ичига олади. Бу соҳадаги қатор тадбирлар ҳақатонлар, танловлар, дастурлар, ихтисослаштирилган кўргазмалар, шунингдек, Ўзбекистонда IT соҳасида стартап экотизимини ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бошқа тадбирлар шаклида ташкил этилди. Ташкилот томонидан маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда жами мукофот жамғармаси 7 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 30дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Бундан ташқари, 2021 йилнинг 12 февралда IT-Парк CS:GO бўйича Cookie Crew жамоасини тузди ва улар Frag Season 5 республика турнирида ғолиб чиқди ва шу тариқа CS:GO ўйини бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпиони бўлди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, IT-Парк барча фаолият соҳаларида ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича ўнлаб тадбирлар, танловлар, идеатонлар, ҳақатонлар ва бошқа лойиҳаларни амалга оширди. Вазифалар бу билан тўхтмайди ва ташкилот Ўзбекистонни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида IT-етақлига айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилишни мақсад қилган.

Эслатиб ўтамиз, IT-Парк Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан стартап экотизимини ва стартап лойиҳаларини тақомиллаштириш, уларни мамлакатимизда амалга ошириш мақсадида ташкил этилган.

— Самарқанд РТУМ:

ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР КЎП...

Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш вазирлиги)нинг 1963 йил ноябрдаги қарори билан Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида телевидение ва радиоэшиттиришни ривожлантириш ҳамда мавжуд радиотехник воситаларни эксплуатация қилишни ташкил этиш мақсадида Республика кабел ва радиореле магистраллари бошқармаси (РКРМБ) тасарруфидаги Самарқанд минтақавий кабел ва радиореле магистраллари бошқармаси тузилди.

1974 йил ноябрдан бошлаб РКРМБ Магистрал алоқа ва телевидение техник Республика узели (МТРУ)га айлантирилди. 1980 йилдан МТРУ таркибидан алоҳида Радиоэшиттириш ва телевидение Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси (ҳозирги "РТМ" ДУК) ажралиб чиқиб, унинг таркибида Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида телевидение ва радиоэшиттириш ускуналари ҳамда маҳаллий радиореле тизимларини ўз ичига жамлаган ҳолда Самарқанд вилоят радиотелевизион узатиш маркази ташкил этилди.

Кейинчалик ушбу вилоятларда ҳам алоҳида радиотелевизион узатиш марказлари ташкил этилди.

"Чўпонота" радиотелеузатиш станцияси 1961 йилда Самарқанд туманининг Чўпонота массиви тепалигида вилоятнинг баланд чўққисидан Лангар станциясидан узатилган сигналларни қабул қилиш имкони мавжудлиги аниқланиб, денгиз сатҳидан 826 метр баландликда қурилиш ишлари олиб борилиб, 1974 йилдан расман ишга туширилган. Станцияда баландлиги 33 метр, 40 метр, 20 метр, 10 метр баландликда-

ги антенна мачта иншоотлари мавжуд.

1974 йили Самарқанд вилоятининг Ургут тумани Тахтақорача давонидан ва Қашқадарё вилоятининг Қарши-Одамтош станциялари оралигида Р-600-2М русумли Тахтақорача РРЛ ўрнатилган.

■ 2005 йил Япония Халқаро ҳамкорлик банки кредити (JBIC) асосида NEC компаниясининг 5 кВт қувватга эга иккита узатгич қурилмалари ўрнатилди. 2007 йилда TVU-316 Ўз.ТВ-2, 33 ТВК, TVU-316 СТВ 40 ТВК, TVU-316 СТР 28 ТВК узатгичлар ўрнатилиб, "Ёшлар" ҳамда Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳар телеканаллари эфирга узатила бошланган. Чехославакияда ишлаб чиқарилган ЗОНА-3 Ўз.ТВ-4, 2 ТВК дастурлари орқали "Спорт" теледастурлари эфирга узатилган.


■ 2005-2006 йилларда Япония инвестицияси асосидаги лойиҳа бўйича Самарқанд РТУМда 7 донна телеузатгич замонавий узатгичларга алмаштирилди.

■ 2006-2009 йиллар мобайнида "Йўлдошли алоқа тизимларидан фойдаланиб телера-

диоэшиттиришларни ташкил этиш" лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилди.

Бу лойиҳа асосида Самарқанд РТУМнинг йирик радиотелевизион станцияларида 10та ТВ ва 9та FM узатгичлар ўрнатилган.

2,3 кВт қувватда 42-каналда UzDigital МЧЖнинг икки ёпиқ тўплами орқали эса 17та теледастур, шунингдек, 2018 йил декабр ойдан бошлаб 0,5 кВт қувватда 33 ТВКда UzDigital МЧЖнинг учинчи тўпламида тўртта HD ҳамда 9та SD каналлари эфирга узатилди. 2019



■ 2010 йили Мустақиллик байрами муносабати билан "Чўпонота" радиотелеузатиш станциясида қуввати 2,3 кВт бўлган 43-ТВК каналда ишловчи рақамли узатгич ўрнатилиб ишга туширилди. Шаҳар ва вилоят аҳолиси қўшимча равишда 12та теледастурни юқори сифат билан томоша қилиш имкониятига эга бўлишди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига асосан Чўпонота РТСда рақамли теледастурлар ўрнатиш учун станция биноларида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 2016 йил декабр ойдан рақамли форматдаги DVB-T2 стандартидаги 5 кВтли узатгичда 12та ижтимоий ва 6 нодавлат теледастурлари эфирга узатилиб келинмоқда ҳамда 2017 йилнинг апрел ойдан бошлаб 5 кВт қувватда UzDigital МЧЖнинг биринчи ёпиқ тўплами орқали 17та теледастурлар ҳамда "Орият" МЧЖнинг иккита "Орият доно" ва "Орият ФМ" радиодастурларини рақамли форматда тарқатиб келинмоқда ва

йилдан бошлаб O'zbekiston tarixi HD ва Sevimli HD телеканаллари 31 ТВКдан эфирга узатилиб келинмоқда. Захира электр таъминоти учун қуввати 108 кВт бўлган TellHow русумли дизел генератори ўрнатилиб, рақамли узатгичлар учун ишлатилиб келинмоқда.

Шунингдек, Самарқанд Радиотелевизион узатиш маркази тасарруфида "Қўйтош" ва "Жиззах" радиотелеузатиш станциялари, Каттақўрғон ва Нуробод РТСлари ҳам мавжуд. Юқорида бажарилган ишлар ана шу радиотелевизион станцияларда ҳам босқичма-босқич амалга оширилди.

– Самарқанд ва Жиззах вилоятида теледастурларни узатиш ва қабул қилиш қамров зонаси бугунги кунда 100 фоизни ташкил қилади, – дейди биз билан суҳбатда Самарқанд РТУМ бошлиғи Исломиддин Алиқулов. – Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, келажакда бажарилган ишларимиз ҳали жуда кўп.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири



Суратда: Чўпонота РТСда 40 метрлик мачта ўрнатиш ишлари, 1990 йил.

Ziyo Forum фонди директори: ЁНДАШУВ ВА СИФАТНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ КЕРАК!

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида фаоллик кўрсатиб келаётган ёшлар билан интервьюларни давом эттирамиз. Навбатдаги суҳбатдошимиз Бобур Фармонов 1994 йили Фарғона вилоятида туғилган. Россия Федерацияси Президентининг ҳузуридаги Россия миллий иқтисодиёти ва давлат хизмати академиясининг бакалавр ва магистратура босқичларида таҳсил олган.

2019 йилдан буён Илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш Ziyo Forum фондига раҳбарлик қилиб келади.

Ўзимни янги шароитларда синаб кўришга қизиқдим

Россияга кетишдан олдин Ўзбекистондаги олий ўқув юртига тўлов-шартнома асосида ўқишга кирган эдим. Россиядаги университет эса грант асосида ўқишни таклиф қилди. Шу омил ва ўзимни янги шароитларда, хусусан, ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмаган йўналишда синаб кўришга қизиқдим.

Шундай қилиб, мен олти йил вақтни Сибирда ўтказдим, шу вақт давомида Россия миллий иқтисодиёти ва давлат хизмати академиясининг давлат ва шаҳар бошқаруви факультетида таҳсил олдим. Умуман, бакалаврлик ва магистратуранинг ана шу олий-гоҳда тугатдим. Айни кунларда PhD даражасини ҳам айнан ушарда олиш ҳақида ўйлабман. Эҳтимол, бу йил докторантура учун ҳужжатларини топширарман.

Муаммолар ҳам, мақсадлар ҳам бир хил

Россияда ёшларнинг фикр-лаш доирасида чегаралар йўқ, улар янги имкониятлар учун мутлақо очиқ. Ривожланиш, янги амалий кўникмаларга эга бўлиш, танишлар доирасини кенгайтириш учун кўнгилли асосда ҳам лойиҳаларда иштирок этишга тайёр.

Яна бир эътиборимни тортган жиҳат, у ерда ёшлар кўпроқ имкониятга эга, университетлардан кўплаб таклифлар келиб тушади. Масалан, чет элда ўқиш учун визасиз кетишни таклиф қилаётган мамлакатлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Лекин муаммолар ҳам, мақсадлар ҳам бир хил – университетни тезроқ тамомлаб, маоши яхши ишга жойлашиш ёки бизнес очиб.

Маданий кўнгилочар ва дам олиш нуқтаи назаридан, рус ёшлари янада ривожланган. Мисол учун, биз курсдошлар ва дўстларим билан галерея очганмиз,

Новосибирскда турли хил санъат тадбирларини ўтказганмиз, мен шахсан фаол талаба сифатида Россиянинг кўплаб шаҳарларини кезиб юрганман. Бизда бундай имкониятлар деярли йўқ. Агар Тошкент ҳақида гапирадиган бўлсак, ёшлар ёки ижтимоий тармоқларда ёки форумлар саройи атрофида дам олишади. Худудларда бу вазият бундан ҳам ёмон.

“Олим” касбини ёшартиришни истаймиз

Ziyo Forum фондимиз 2019 йил ташкил этилган. Вазифалар жуда оддий, аммо жуда чуқур ва узоқ муддатли. Биз олий таълим ва фан тизимида сифат жиҳатидан баъзи нарсаларни ўзгартирмакчимиз.

Университетларда, биринчи навбатда, талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини йўлга қўйиш зарур. Олий таълим муассасаларидаги ҳаёт дарсларга кўнғироқ билан якунланмаслиги керак, бу муаммо бўлиб, натижаси бошланғич интервью қандай ўтишини билмайдиган кадрлар келиб чиқиши. Олий таълим ўқув юртли раҳбарияти талабаларни университетнинг ижтимоий ҳаётига фаол қатнашишга рағбатлантириши лозим. Биз икки йил давомида шунинг устида, қийинчиликларга дуч келсак ҳам, ишлабманмиз. Масалан, Тошкент давлат транспорт университетида шахсан ўзим сайловларни ўтказишга ёрдам бердим, қиз талаба голиб бўлди. Талабалар кенгаши ташкил этилди.

Биз барча университетларда ҳам худди шундай ўзгаришларни киритишни истаймиз, умид қиламанки, камда икки йил ичида пойтахт ўқув юртлирида бу ишни тугатамиз. Университетлар янгилик киритишни ёқтирмайди. Бу кулгили, лекин талабалар, биринчи навбатда, ўзгаришларга тайёр эмас.

Агар илм-фан ҳақида гапирадиган бўлсак, биз “олим” касбини ёшарти-

ришни истаймиз. Кимга мурожаат қилманг, илм-фан арбоблари ҳақида гапирганда, 70 ёшдан ошган академиклар ҳақида сўз юритилади. Энди айтинг, агар бу соҳа фақат профессионал йўлини тугатаётган инсонлар билан боғлиқ бўлса, ёшлардан қайси бири илм-фанга қизиқиши мумкин?

Биз ёш тадқиқотчилар ҳақида гапиришни истаймиз, яқинда бота ёш олим ҳикояларини тўплаган алманакни тақдим этдик. ZiyoForum – умуман тадқиқотчиларнинг исмларини эслатиб ўтган биринчи нашр ва уларнинг деярли барчаси янги исмлар. Мен уларни қаҳрамон қилишни хоҳлайман.

Баҳорда биз иш берувчилар учун янги лойиҳани ишга туширдик, талабаларни тўғридан-тўғри компаниялар билан боғлашни истаймиз.

Барча Ziyo Forum лойиҳалари талабалар учун ва ана шу ишларни талабалар билан биргаликда қилишга ҳаракат қиламиз. Айнан шу жиҳати билан бу фонд бошқа ўхшаш ННТлардан фарқ қилади. Бизнинг эътиборимизда ёшлар қизиқишлари, агар бу ижтимоий тармоқлар бўлса – қандай қилиб бу машғулотни фойдали ўтказишни ўйлаймиз, агар бу илм-фан бўлса – амалга ошириш мумкин бўлган тадқиқотларга сармоа киритамиз.

Бултур ҳам, бу йил ҳам Ўзбекистондан Россия олий ўқув юртлирига абитуриентлар учун турли дастурлар ва стипендиялар тақдим этиш билан фаол шуғулландик. Бизга грантлар берилди, танлов ўтказдик, натижада зодан ортик ёшларни ўқишга жўнатдик. Бу бепул. Биз учинчи шахсларнинг иштирокисиз тўғридан-тўғри университетлар билан ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқамиз.

Ёндашув ва сифатни қайта кўриб чиқиш керак

Таълимга бўлган қизиқиш камайиб борапти, лекин ҳар йили юз минглаб ёшлар университетларга киролмаяпти,

чунки олий таълим инфратузилмаси уларни қабул қила олмайди. Ўзбекистонлик минглаб талабалар ўз пуллари ва чет эл грантларида таҳсил олмақда. Мамлакатимизда олий маълумотга эга бўлган талаба ва қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда, афсуски, тизим эскириб, талабга жавоб бермаяпти. Университетларда мавжуд методология талабанинг қизиқишини сақлаб қолмаслиги эса – бу бутунлай бошқа муаммо ва ижтимоий тармоқларнинг бу саволга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ижтимоий тармоқларни билим ва таълимга қарши кўрсатиш компютерни китобга қарши кўрсатиш билан тенгдир. Ижтимоий тармоқлар ёшларни бузуқликка олиб келадиган нарса эмас, бу мулоқот майдони, ўз-ўзини намоён қилиш, қобилиятини ривожлантириш, ижодкорликни кўрсатиш, ўзига ўхшаш инсонларни топиш усули, деб биламан.

Ижтимоий тармоқлар ҳам билим, таълим, кўникмаларни олиш воситаси. Уларнинг ривожланишини тўхтатишга ҳаракат қилиш, ёмғирни тўхтатишга ўхшайди. У барибир содир бўлади. Лекин кимдир ундан қочишга ҳаракат қилади, кимдир эса тупроқни тайёрлаб бог ўстиради.

Саволга қайтиб: ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар манфаати учун бунини амалга ошириш керак, лекин бу “ёрдам” ривожланишга тўсқинлик қилмаслиги зарур. Ёшларнинг таълимга бўлган қизиқишини қайтариш учун таълим контентининг ёндашуви ва сифатини қайта кўриб чиқиш, ушбу мақсадлар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни ўрганиш керак.

Мутолаа хотира ва фикрлашни яхшилайти

Бўш вақтим бўлиши билан китоб ўқишга ҳаракат қиламан. Мутолаа хотира ва фикрлашни яхшилайти. Ўқиган сўнги асарим Макиавеллининг “Ҳукмдор” номли китоби бўлди. Барча раҳбарлар учун жуда фойдали. Рус тилидаги таржимада ўқиш қийин, лекин асарнинг бироз эскирган ёзилиш услубига аҳамият бермаса, бошқаришни ўрганаётганлар учун энг фойдали китоб бўлиши мумкин.

Энг сеvimли китобим эса Дэниел Кизинг “Элжержонга аталган гуллар”и.

Санъат ва санъат объектлари билан боғлиқ

Менинг режаларим талабалар жамиятини ривожлантириш атрофида айланади, бу бир-икки йил давомида бажариладиган вазифалар.

Глобал режалардан, юқори лавозимлар учун олтин кадрлар захирасини яратишга ҳаракат қилиш. Буларнинг барчаси маҳаллий университетлар асосида.

Докторлик диссертациясини химоя қилиш, умуман айтганда, PhD даражасига эга бўлишни режалаштирганман. Шахсий режаларга келсак, санъат ва санъат объектлари билан боғлиқ барча йўналишларни яхши кўраман, бу йўналишда тижорат лойиҳаларини амалга оширишни истаيمان.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ
суҳбатлашти

РЕФОРМЫ


ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ В СФЕРЕ ИКТ

Одним из актуальных вопросов – является ознакомление молодого поколения с достижениями мировой цивилизации, коренное совершенствование системы подготовки квалифицированных специалистов, обеспечение по широкому использованию мировых информационных ресурсов путем применения современных ИКТ в обучении, разработки эффективных методов с их помощью является одним из актуальных вопросов развития.

Успешно ведется работа по применению различных технологий в образовательной сфере, решению существующих вопросов в обучении с помощью новых технологий, реформированию сферы образования в соответствии с мировыми стандартами. Решение в школах проблем информатизации и совершенствование системы профессионального образования является одним из первых шагов в рамках тесного ознакомления учеников школ с IT-сферой.

В настоящее время осуществляются меры в рамках Пяти инициатив, выдвинутых Президентом Республики Узбекистан. В рамках третьего направления Пяти инициатив в республике были открыты 146 Учебных центров цифровых технологий, где было создано 292 рабочих мест.

В них организованы учебные курсы по повышению компьютерной грамотности, основам программирования, робототехники, созданию веб- и мобильных приложений, основам инновационного предпринимательства в сфере ИКТ. К настоящему времени в данных учебных курсах прошли обучение свыше 33 тысяч слушателей. В рамках подготовки слушателей лучшие показатели зафиксированы по Джизакской области, Наманганской области и Хорезмской области.



В настоящее время в рамках мегапроекта “Один миллион программистов” (One Million Uzbek Coders) прошла регистрация 459 тысяч участников, из которых более 244 тысяч получили сертификат об участии, 175 тысяч – сертификаты об успешном обучении.

В разрезе регионов лучшие показатели по подготовке слушателей в рамках проекта продемонстрировали Навоийская область (более 79 тысяч слушателей), Самаркандская область (более 50 тысяч слушателей) и Республика Каракалпакстан (более 43 тысяч слушателей).

В областных центрах на базе общеобразовательных школ было организовано 14 специализированных школ с углубленным изучением информатики и информационных технологий, куда на обучение было принято более 800 учеников.

21 июня текущего года среди специализированных IT-школ была проведена IT-олимпиада по спортивному программированию, Computer Science, IT-пятиборью. Участие в олимпиаде приняло 770 учеников.

В настоящее время в Ташкентском университете инфор-

мационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий и его филиалах обучается порядка 19 тысяч студентов. В текущем году был организован филиал ТУИТ в городе Нурафшон, и начиная с 2021–2022 учебного года намечено принять на обучение в филиале 250 студентов.

Также в этом году планируется открыть 11 специализированных техникумов по подготовке IT-специалистов, и тем самым довести их общее количество до 14. В них предполагается принять на обучение порядка 4 тысяч студентов (в среднем в каждом техникуме – по 350 студентов).

Также с целью поддержки инициатив молодежи было принято постановление Кабинета Министров “О мерах по поддержке молодых специалистов, имеющих международные IT-сертификаты” и соответствующее положение, утвердившее порядок возмещения до 50 процентов расходов на получение международных IT-сертификатов. Данные о специалистах, владеющих международными IT-сертификатами, будут вноситься в портал “IT-таланты Узбекистана” (“O‘zbekistonning IT-iste’dollari”).

РЕЙТИНГ

ХIAOMI ВПЕРВЫЕ ОБОШЛА APPLE НА МИРОВОМ РЫНКЕ СМАРТФОНОВ

Xiaomi во втором квартале 2021 года впервые вышла на второе место в мире по продажам смартфонов, говорится в отчете исследовательской компании Canalys.

Доля Xiaomi на мировом рынке составила 17%, по сравнению со вторым кварталом предыдущего года компания нарастила поставки на 83%, обращая внимание РБК.

Корпорация сместила Apple на третье место в рейтинге: аналитики оценили рыночную долю американской компании в 14%, поставки ее смартфонов выросли всего на 1%.

На первом месте, по данным Canalys, оказалась южнокорейская Samsung с долей 19% и приростом поставок на 15% по сравнению с аналогичным периодом прошлого года.

В топ-5 также вошли китайские Vivo и Oppo, их рыночная доля составила по 10%, а рост поставок — 28% и 27% соответственно.

Xiaomi в Узбекистане

Глава Xiaomi в России и СНГ Юй Мань сообщил, что, согласно данным розничных партнеров Xiaomi удерживает второе место на рынке смартфонов Узбекистана.

Конкретные цифры могут различаться, в зависимости от источника информации. В других странах СНГ свои позиции компания оценивала примерно так же.

“Сейчас мы занимаем лидирующую позицию в России, Белоруссии и Кыргызстане. Таким образом, второе место в Узбекистане — результат отличный, но еще есть к чему стремиться”, — говорил Юй Мань.

ОНЛАЙН УСЛУГИ

ПОЛУЧИТЬ СЕРТИФИКАТ ЭЦП МОЖНО С ПОМОЩЬЮ ПИНФЛ

Как пишет Spot, ПИНФЛ (Персональный идентификационный номер физического лица) становится единым идентификатором. С 1 июля отменяется выдача ИНН физическим лицам, запрещаются другие идентификаторы.

В Государственном налоговом комитете сообщили, что юридические или физические лица, желающие получить ЭЦП, могут сделать это на e-imzo.uz.

На сайте необходимо заполнить онлайн-форму. Физическое лицо вводит 14-значный ПИНФЛ в соответствующее окошко и вносит необходимую информацию и файлы (контактный номер, паспортные данные и т. д.).

Отправленная анкета рассматривается оператором в течении одного рабочего дня. Если решение положительное, то заявителю будет отправлено SMS.

Плата за выдачу ЭЦП составляет 7% от базовой расчетной величины для физических лиц и 10% для юридических лиц.



КОММЕНТАРИИ

В UZIMEI ПРОКОММЕНТИРОВАЛИ СИТУАЦИЮ С НЕЗАКОННОЙ РЕГИСТРАЦИЕЙ КОДОВ НА ЧУЖИЕ ПАСПОРТА

В Узбекистане снова обострилась проблема с незаконной регистрацией IMEI. Люди обнаруживают, что на их паспорта зарегистрированы чужие устройства, из-за чего становится невозможным зарегистрировать собственные смартфоны (без IMEI превращается в “кирпич”).

В пресс-службе UZIMEI подтвердили наличие проблемы, но отметили, что зарегистрировать код можно онлайн — в этом случае системный оператор не может знать, владелец паспорта это или нарушитель.

“Системный оператор UZIMEI не ответственен в использовании чужими лицами паспортных данных граждан”, — говорится в комментарии.

Там же отметили, что система регистрации IMEI-кодов — единственная аппаратная защита устройства и, особенно, персональных данных от действия третьих лиц.

“Данная ситуация возникает вследствие незаконных действий лиц, занимающихся нелегальным ввозом (контрабанда) мобильных устройств. Оператором системы и специальными органами проводится большая и постоянная работа по совершенствованию, как системы регистрации, так и устранения выявленных ею преступлений и злоупотреблений”, — говорится в комментарии.

В 2020 году была разоблачена группа, причастная к незаконной регистрации по IMEI. Ее члены въезжали на территорию соседних стран, фотографировали на телефон паспорта граждан, которые возвращались в Узбекистан, отправляли данные через Telegram и регистрировали на их имена IMEI-коды мобильных устройств.

По данному факту тогда возбуждено уголовное дело и поток сообщений о проблеме сократился.



СМАРТФОНДАГИ ЖОСУС-ДАСТУРНИ ТОПИБ БЕРУВЧИ ИЛОВА ИШЛАБ ЧИКИЛДИ

Шу кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари турли мамлакатлар ҳукуматлари томонидан журналистлар, сиёсатчилар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар ва тадбиркорларни таъқиб қилиш учун қўлланилган Pegasus жосуслик дастурини қизгин муҳокама қилмоқда. Бошқа дастурчилар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ: смартфондаги “жосус”ни аниқловчи иловани ишлаб чиқишди.

Смартфонда жосуслик дастури борми-йўқми — илова шуни аниқлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот — Amnesty International чиқарган бу илованинг номи — Mobile Verification Toolkit (MVT). Мазкур илова смартфонни сканерлаб, компрометация индикаторлари (IOC)ни қидиради. Андроид-смартфонлар ва айфонлар учун мўлжалланган. MVT айфонларнинг захира нусхасини ҳам ярата олади, дейилади хабарда.



Маълумот учун: Pegasus жосуслик дастури Исроилнинг NSO Group компанияси томонидан ишлаб чиқилган. У айфонларга iMessage иловасидаги дарз орқали кириб ўрнашган. Бу смартфонлар эгалари ҳатто зарарли дастур жойлашган

ҳаволага ҳам киришмаган, жосус дастурнинг ўзи кир(итил)ган. Буни билиш имконсиз эди. Pegasus телефон эгасининг қаерда юргани, паролларини билган, у нима гапирган бўлса, смартфондаги микрофон орқали ёзиб олган...

ЯНДЕКС.БРАУЗЕР ХОРИЖ ТИЛИДАГИ ВИДЕОНИ РУС ТИЛИГА УГИРИБ БЕРАДИ

Яндекс компанияси янги ишланмаси — видеони машина таржима қилиш прототипини тақдим этди. Компания вакилларининг сўзларига қараганда, бунақа технология дунёда ҳали ягона бўлиб, машина таржимаси, биометрия, нутқни аниқлаш ва синтез қилиш технологияларини ўз ичига олган.



Ушбу ишланма Яндекс.Браузерда қўлланилади: фойдаланувчилар исталган хориж тилидаги видеони реал вақт тартибда кадр ортидаги таржима орқали томоша қилишлари мумкин. Тўғри, ҳозирча битта — инглиз тили бўйича функция ишлашни бошлади, бу ҳақда “Яндекс” вакиллари Ferra.ru сайтга маълум қилишган.

Россия IT-гиганти технология устида ишлари давом эттиришга ваъда берган, кейинчалик қайси тилдаги роликларни томоша қилиш фақат фойдаланувчиларнинг ихтиёрида бўлади.

СЎНГИ 15 ДАҚИҚАДАГИ ҚИДИРУВ НАТИЖАЛАРИ УЧИРИБ ТАШЛАНАДИ. ФАҚАТ...

Google смартфон фойдаланувчилари учун интернетдаги сўнги 15 дақиқадаги қидирув натижаларини дарҳол ўчириб ташлаш функциясини ишга туширди. Бу ҳақда “Ferra.ru” хабар берди.



Бироқ бу функциядан ҳозирча Google “фирменний” иловаси ўрнатилган iOS қурилмалари, яъни айфони бор кишилар фойдалана олишади. Андроид-смартфонлар эгалари эса 2021 йил охиригача бўлиб шундай имкониятга эга бўлиши айтилмоқда.

Компьютерларда худди шундай автоўчириш функциясини муайян вақт оралиғида (ҳар 3, 18, 36 ойда) созулганлардан бошқариш мумкин. Ёки эски усулда — қўлда ўчирса бўлади.

Компания қидирув тарихини фақат бир мақсадда, яъни фойдаланувчилар тақрибасини янада хослаштириш учун кузатиб боришини маълум қилган. Ўз қидирув натижаларидан хавотирда бўлган фойдаланувчилар учун Google яна бир функция — бу маълумотларга кириш сўралганда парол ўрнатишни ҳам жорий этган.



ТАФСИЛОТЛАР ТАҚДИМОТГАЧА ОШКОР БЎЛДИ

Equal Leaks телеграм-каналы Honor Magic 3 Pro 5G фламан смартфонни тақдим этилмасидан аввал унинг техник хусусиятларини ошкор қилди.

Аслида расмий тақдимот 12 августга белгиланган.

Манбага ишонадиган бўлсак, янги смартфон диагонали 6,76 дюйм (QHD+; 2772×1344 пиксел; янгилини частотаси 120 Гц) қабарик AMOLED-дисплейга эга. Бу ажойиб экранни Corning Gorilla Glass Victus шиша қоплами ҳимоялайди.

“Капот” остида Snapdragon 888+ процессори ва 5000 мАс сизимли аккумулятор яширинган. Қувватланиш симли 100 Вт ҳамда сисиз 50 Вт технологиялари асосланади.

Смартфон 12 ГБ+256 ГБ ва 16 ГБ+512 ГБ талқинларида чиқарилиши кутилмоқда. Флагманга ўрнатилган Android 11 тизимида Magic UI 5.0 интерфейсида фойдаланилган.

Honor Magic 3 Pro 5G смартфонни Google сервисларини қўллаши айтилмоқда.

Пулимиз ўзига яраша: интернетда тарқалган хабарларга кўра, Honor Magic 3 Pro нархи — \$772.



Халқаро ҳаёт

ДЕЛТАДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ ШТАММ ПАЙДО БЎЛИШИ МУМКИН!

Сайёраимиз аҳли кечаётган курашда энгишнинг уддасидан чиқмаган корона-вирус пандемияси бутун дунё учун синовдир. Бугунги кунда забтга олган COVID-19нинг энг хавфли тури — делта ўрнига бундан ҳам баттароғи келиши эҳтимолда йўқ эмас. Токиода Халқаро олимпия кўмитасининг 21 июль кунини бўлиб ўтган 138-сессиясида сўз олган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари ЖССТ раҳбари Тедрос Аданом Гебрейесус ана шуларни таъкидлади.



“Ҳозир энг кўп зиён “делта” номли мутациядан етмоқда. Бироқ коронавирус инфекцияси тарқалиши шу зайлда кетса, унинг турлари ҳам кўпайиб боради, энг ёмони, ана шу штаммлардан бирига вакциналар кор қилмаслиги мумкин. Ва инсоният яна COVID-19 пандемиясининг ибтидосига қайтиши, ҳаммаси бошқатдан бошланиши мумкин”, — деди ЖССТ раҳбари.

Ҳисоб-китобларга кўра, Токио Олимпиадаси якунига егадиган 8 августгача жаҳонда 100 мингдан зиёд инсон коронавирус оқибатида вафот этади, таъкидлади Гебрейесус. Пандемияни тўхтатиш ва иқтисодий тиклашнинг йўли фақат вакцинация, ҳар бир давлат аҳолисининг 70 фоизи эмланиши шарт, деди у. Агарда ҳар бир

мамлакат бу ишга жиддий киришса ушбу 70 фоизлик кўрсаткичга келгуси йилнинг ўрталарига бориб эришиш мумкин.

ЭНГ БОЙ ОДАМ КОИНОТГА УЧДИ

Amazon асосчиси ва дунёнинг энг бой одами Жефф Безос New Shepard кема-сида коинотга учди.



Космик кема Тошкент вақти билан соат 18:12да ўз парвозини бошлади. Миллиардерга Безоснинг укаси Марк, голландиялик тадбиркор Жозе Деманнинг 18 ёшли ўғли Оливер Деман, шунингдек, 1961 йилда коинотга учини керак бўлган 82 ёшли Уолли Фанк ҳамроҳлик қилмоқда: у энг кекса фазогир сифатида тарихда қоладиган бўлди.

“ТОЛИБОН” АФҒОНИСТОН ЧЕГАРАЛАРИНИНГ 90 ФОИЗИНИ НАЗОРАТГА ОЛГАНИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

“Толибон” ҳаракати вакили Забиулла Мужоҳид Афғонистон чегараларининг 90 фоизига яқини ҳаракат назорати остида эканлигини айтди. Бу ҳақда у РИА Новости билан суҳбатда маълум қилган.

Эслатиб ўтаман, мамлакат ҳудудида қуроли ҳаракатлар тобора кучаймоқда. Ҳатто президент қароргоҳи яқинида ҳам ракета-лар отилгани маълум бўлган.




Аввалроқ “Толибон” ҳаракати вакиллари Москвада бўлиб ўтган музокараларда Марказий Осиё мамлакатлари чегараларига ҳужум қилмасликка ваъда берганди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА КАТТА ЁШЛИ АҲОЛИНИНГ ҚАРИЙБ 55 ФОИЗИ ЭМЛАНДИ

Европа Иттифоқида ҳозирги кунга қадар 200 миллион киши, яъни катта ёшли аҳолининг қарийб 55 фоизи коронавирусга қарши тўлиқ эмланиб бўлди. Бу ҳақда Брюсселда бўлиб ўтган брифингда Европа комиссияси вакили Дана Спинант маълум қилган.

Унинг фикрича, бу яхши кўрсаткич, аммо вирус тарқалишига қарши самарали курашиш учун вакцинация бутун ЕИ ҳудуди бўйлаб бир текис амалга оширилиши ниҳоятда муҳим.

Европа Иттифоқи июль ойи охирига қадар катта ёшли аҳолининг 70 фоизини коронавирусга қарши тўлиқ эмлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.



ЧИҚИНДИ ҚУТИСИГАЧА ИККИ ҚАДАМ

**БИР ЙИЛДА 560 МИНГ ТОННА САҚИЧ
ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНАДИ ВА БУ 112000ТА ФИЛ ДЕГАНИ**

Ўқувчилик даврингизда стол ёки стулга ёпишган сақичга кўзингиз тушганми? Метро, автобусда кетаётганингизда ўриндиқларга, ерга ёпишганларигачи? Кўчаларда юрганингизда пойабзалингизга ёки ўриндиқларга ўтирганингизда кийимингизга сақич ёпишиб қолишидан азият чекканмисиз?

Албатта, ҳозирги кунда сақич чайнаш кўп одамлар учун одат тусига кирган. Аммо уни чайнаб бўлгандан сўнг тўғри жойга ташлаямизми? Инсон организмига фойда ва зарарлари ҳақида қанчалик маълумотга эгамиз?

Статистика маълумотларига кўра, ер аҳолиси ҳар йили 560 минг тонна сақични истеъмол қилади. Массаси бўйича бу 112000та филнинг оғирлигига тенг. Сотиб олинган сақичларнинг жами нархи эса 14 миллиард фунддан кўпроқ. Албатта, у оғиз бўшлиғини тозалашини, овқатни яхшироқ ҳазм бўлишига ёрдам беришини, чайнаш жараёнида милкни массаж қилиши орқали периодонтитнинг олдини олишини мутахассислар исботлашган. Шунингдек, у мия фаолиятини яхшилаш, стрессни енгиллаштириш каби фойдали жиҳатлари билан бир қанча зарарли таъсирлардан ҳам ҳоли эмас. Оч қоринга сақич чайнаш ошқозон касалликларини, яъни яллиғланиш ва ярани келтириб чиқаради. У фикрлаш қобилиятини ёмонлаштириши, тишдаги пломбаларнинг емирилишига, жағнинг чексиз ҳаракатланиши натижасида оғиз атрофида эрта ажинлар тушишига сабаб бўлиши мумкин. Шифокор маслаҳатига кўра, сақичдан овқатлангандан сўнг максимал 15 дақиқа давомида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, сақич дунёда сигарет қолдиқларидан сўнг кўчаларда учратишимиз мумкин бўлган иккинчи энг кен тарқалган чиқинди тури ҳисобланади. Муаммо шундаки, мана шу бир марта чайналадиган ва қайта ишланмайдиган сақичнинг атиги 10-20 фоизи чиқинди қутиларига, 80-90 фоизи эса одатда дуч келган жойларга ташланади.

Кўчаларга, ўриндиқларга, йўлакларга, зинапояларга ташланаётган сақич атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Биринчидан, кўчаларда ёпишиб қолганида уни истеъмол қилган кушлар, итлар учун бунинг охири ўлим билан яқунланади. Сув ҳавзаларига ташланганда эса бу балиқлар учун ҳам хавфлидир. Иккинчидан, бу ёпишқоқ маҳсулотни шаҳар кўчаларидан олиб ташлаш жуда қийин. Бунинг учун катта маблағ талаб этилади. Ҳар квадрат метрга бепарволик ила ташланган сақичларни полдан тозалаб олиш ҳам жуда қийин.

Масалан, ҳар йили Англия ҳукумати Лондон кўчаларини сақичдан тозалаш учун 150 миллион фунт стерлинг, Буюк Британия ва Германия эса 300 ва 900 миллион евро сарфлайди.

Пекиннинг (Хитой) Тянанмен шаҳридаги асосий майдонда бўлиб ўтган миллий байрам пайтида сайёҳлар томонидан 600 минг сақич очик майдонга ташланган. Майдонни тозалаш шаҳарга 120 минг долларга тушган.

Жаҳон амалиётида сақични ноўрин жойга тупурганлик учун жарималар жорий қилинган мамлакатлар мавжуд. У баъзи мамлакатларда ҳатто таъқиқланган. Бунга Индонезияни мисол қилиш мумкин. Сингапурда эса сақични олиб кириш ва сотиш тозаликка зарарли таъсир кўрсатиши сабабли қонун билан тақиқлаб қўйилган ҳамда 500 доллардан 100000 долларгача жарима белгиланган.

Дунё олимлари бир неча йилдан бери атроф-муҳитга зарар бермасдан сақични эритиб юборадиган кимёвий моддалар устида изланиш-

лар. Дунёнинг турли мамлакатларида эса йўқ қилишнинг ўзига хос, ғайриоддий усуллари ўйлаб топилган бўлиб, Сан-Луис Обиспо шаҳрида (Калифорния) қирқ йилдан бери ҳар ким ўз сақичини ёпиштириши мумкин бўлган девор мавжуд. Бу маҳаллий диққатга сазовор жой бўлиб, девор бир неча қатламларда эластик тасма билан қопланган. Немисларнинг Бошолте шаҳрида эса дарахт шохлари худди шу мақсадларда ишлатилади. Инглизлар бу масалага янада ўзгача ёндашишган. Британиялик дизайнер Анна Буллус сақични фойдали нарсаларга қайта ишлаш ва кўчаларни тозалаш ҳақида ўйлаб, сақич йиғиш учун ишлатилганларидан ранг-баранг идишлар ясашни ҳамда улардан келажакда фойдаланиш фикрини беради.

Италияда расом Мауриси Савини асфалтдаги ишлатилган сақични кичик санъат асарига айлантиришни таклиф қилади. Аммо шунга қарамай, ушбу муаммони ҳал қилишнинг универсал ечимлари ҳали-ҳануз мавжуд эмас.

Хўш, сақични ноўрин жойларга ташлашимизнинг сабаби нимада? Ички маданиятимиз камлигиданми ёки ҳар қадамда чиқинди қутилари турса ҳам икки қадам юриб бориб, уни тўғри жойга ташлашга эринишимизданми!? Кўчага тупурилган сақичнинг парчаланиши учун юзлаб йиллар керак бўлиши мумкин. Албатта, бу – нохуш статистика.

Аслида, бундай вазиятларнинг ечими осон. Кейинги сафар сақични ташламоқчи бўлганимизда, пиёдалар йўлагидеги чиқинди қутисини қидиришни ўйлайлик. Зеро, жамоатчилик жойлари поклигига барчамиз баробар масъулмиз.

**Мохичеҳра МАДИЕВА,
ЎзЖОКУ халқаро
журналистика йўналиши
2-босқич талабаси**

РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН

БУХОРО ВИЛОЯТИДА Wi-Fi ХУДУДЛАРИ КўПАЙДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 Вапрелдаги “2021–2023 йилларда Бухоро вилоятининг Вобкент туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Йўл харитаси” ижроси доирасида Бухоро вилоятининг Вобкент туманида “Ўзбектелеком” АК томонидан учта Wi-Fi нуқтаси ишга туширилди. Бу эса, туманга ташриф буюрувчи сайёҳлар ва туман аҳолисининг юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиши учун кенг имконият яратмоқда.

Шу билан бирга, Бухоро давлат университети ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида янги ташкил қилинган Wi-Fi ҳудудларнинг ҳолати ўрганилди. Ўрганиш давомида мазкур ҳудудда интернет тармоғига симсиз бепул уланишда фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаган ҳолда тегишли сифатдаги уланиш таъминланганлиги, бугунги кунда интернет хизматларидан кўплаб талаба ва ёшлар фойдаланаётгани аниқланди.


Хозирда Бухоро вилоятида жами 26та ҳудудда Wi-Fi нуқталари ташкил этилган, барчасида фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаган ҳолда тегишли сифатдаги уланишни таъминлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, йил якунига қадар қўшимча ўнта масканда Wi-Fi ҳудудларини ташкил этиш режалаштирилган.

ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ ТўРТДАН БИРИ МИЛЛИЙ ОПЕРАТОР АБОНЕНТИ

“Ўзбектелеком” АК томонидан мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларигача тармоқларни етказиш ҳаракатлари жадал амалга оширилмоқда. Катта ўзгаришлар ва янгиланишлар ижобий таъсирдан Хоразм вилояти ҳам четда эмас.

Айни кунда компаниянинг абонент улуши вилоят аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этиб, Урганч шаҳрининг қоқ марказида жойлашган, энг сўнги замонавий ва технологик ечимларни ўз ичига қамраб олган ва янгиланган офиси орқали 400 мингдан ортиқ абонентларга юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Вилоятнинг бошқа ҳудудларида эса яна 11та савдо ва хизмат кўрсатиш офислари ҳамда 150тага яқин агентлик савдо масканлари ташкил этилган. Савдо офисларини модернизация қилиш лойиҳаси давом этмоқда ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олиши кутуляпти.

Хоразм вилоятининг бутун ҳудуди бўйлаб компаниянинг замонавий стандартларига мос станциялари ўрнатилган. Бу эса миллий операторнинг вилоятдаги барча манзиллар бўйича истеъмолчиларни юқори сифатли алоқа хизматлари билан таъминлашга замин яратмоқда.



ҲАР КУНДА МИНГ ҲИКМАТ БОР

У жуда кичкина эди. Ота-онаси билан Қўштепага ёки Марғилонга йўл олишганда билардики, армияда хизмат қилаётган акаси билан телефонда гаплашиб қайтадилар. Бироқ Қаҳрамон акаси билан яқинда тургандек гаплашиш қанчали кўнгилли бўлмасин, “переговорный” да бир неча соатлаб қолиб кетиш ҳаммани диққинафас қилиб юборарди.

Ана ўша кунлар “телефон” деб Ааталмиш синаотлар дунёси бола хаёлини маҳв этди. Қўштепадаги физика, математика фанларига ихтисослаштирилган мактабга қабул қилиниши ана шу тилсимот сари қўйилган илк қадам эди. Кейинги қадам эса олий ўқув юрти бўлди. Тошкент электротехника алоқа институтига давлат гранти асосида қабул қилинди. Ўқишни муваффақиятли тугаллаётганда олийгоҳ номи ўзгарди. Тошкент ахборот технологиялари университети битирувчиси... Ажабо, бутунлай бошқача масъулиятли қувонч эди бу! Бунда минг ҳикмат бор эди, албатта. Бандам ҳиса кулига, чиқариб қўйар йўлига, деганлари шу бўлса керак! У университетги номини ҳалол ва сидқидил меҳнатлари билан улуглаши шарт!

Зокиржон ана шу гурур ва аллақандай сурур билан Фарғона шаҳардаги 23-АТСда меҳнат фаолиятини бошлади. Электромеханикликка қўйишди. Мен ахир олий маълумотлиманку, демади. Бу асл муҳандислик фаолиятида энг муҳим давр бўлди. Қийинчиликлардан эсанқирамади. Аксинча, унга кўп жараёнларнинг моҳияти аёнлашди. Университетдаги устозлари Дилшод Эргашев, ака-сингли Мохира ва Рустамжон Абдурахмоновлар берган сабоқлар самараси амалиётда мевасини бер-

ди. Амалиётдаги устози Ҳалимжон Курбоновнинг олимона сабоқлари эса руҳлангирди, бир гайратига ўн гайрат қўшди. Кўп ўтмай Ватан олдидаги бурчини адо этишга отланди. Тошкент олий ҳарбий билим юрти алоқа ротаси – бу айни ўзи орзу қилган манзил эди. Хизматда олий таълимда олган билимларини ишга солди. Энг муҳими, мустаҳкам тартиб-интизом ҳар қандай инсон учун, айниқса, телекомчи учун сув ва ҳаводай зарур эканлигини англаб етди. Шу боисдан ҳарбийликдаги устози, подполковник Дилмурод Бекмирзаевдан ҳар қанча миннатдор бўлса арзийди.

Армиядан чиниқиб, бир мунча тажриба тўплаб қайтгач, Фарғона шаҳрида 24-АТС линия муҳандислигида ўзининг бор салоҳиятини ёрқинроқ намоён этди. Шу сабабга кўра ҳам унга Қўштепа телекоммуникациялар боғламаси раҳбарлигини ишониб топширишди. Чиндан ҳам ўз туманида боғлама фаолиятини қисқа фурсатларда ўнглашга мурассар бўлди. Жамоани 14 йил моҳирона бошқарди. Унга Марғилон ШТБ раҳбарлиги топширилганига ҳам икки йилдан ошди. Шунга айтиш керакки, жамоада дастлабки ойларида раҳбар ўрни сезилди. Аҳилликда ягона мақсад сари интилиш кучайтирилгани, 200 км. масофада оптикалиқ кабел ўтқизиш, янги технологиялар қўлланила бошлангани



дарҳол иқтисодий кўрсаткичларда акс этди. Жорий йил ярим йиллигида соф даромад режаси 48 фоизга ўсиб, 2 млрд. 402 млн. сўмни ташкил этди. Ўтган йили бу кўрсаткич, 1 млрд. 620 млн. сўм эди. Интернет фойдаланувчилари 5450 нафардан ошди. Ўтган йил олти ойда бу рақам 3701 нафар эди. Рақамларга диққат қилсангиз кўп ҳикматларни илғайсиз. Бирдамлик бор жойда юксалишлар юз бераверади. Йил охирига бориб ойлик тушумни 1 млрд. сўмга етказишни кўзлаётган маргилонликлар гайратига кўз тегмасин, дейсиз. Шунга мамнуният билан таъкидлаш ўринлики, шаҳар ҳокимлиги ва барча корхона ва ташкилотлар билан дўстона ҳамкорликда ҳам ҳикмат кўп. Бу зарур тушуниш ва қўллаб-қувватлашга асосланган муносабат фаолиятга фойзу барака бағишлайди. Ижтимоий

объектлар – мактаблар, боғчалар ва шифохоналарда сифатли интернет хизматлари кўрсатиш вилоятда биринчилардан бўлиб йўлга қўйилгани ҳам таҳсинларга sazovorдир.

Хуллас, Зокиржон Тўйчиев меҳнатлари вазириликнинг Фахрий ёрлиғи билан эътироф этилгани бежиз эмас. Бу машаққатлар чекиб, ҳаловатсиз ўтган кунлар учун юксак муқофотдир. Бунда раҳбарнинг айтишича, шогирдлари Абдулажон Курбонов, Акмалжон Темиров, Сирожиддин Муллажонов, Жаҳонгир Калонов, Отабек Ҳожамбердиев, қўйинги барча жамоадошларнинг хизматлари беқиёс. Уларнинг ҳар бири ўз вазифаларини бехато, виждонан адо этмоқдалар.

Зокиржон Тўйчиев телекоммуникация ва ахборот технологиялари жадал ривожланиш босқичига кирган 2003 йилларда ТАТУни тугаллаган, “Мана, мен ишлайман. Бор билимимни тараққийта қаратаман” деган навқирон авлод вақилидир. Энди у кўзга кўринган, ибрат намуналарини намоён этаётган раҳбар вазирилик билдирган ишончини оқлаб, янада яхши ишлаш ҳаракатида. Умр шериги инглиз тили ўқитувчиси Юлдузхон билан уч фарзандни вояга етказишмоқда. Инзатулло Марғилон Рақамли технологиялар ўқув марказига қатнайди. Демак, ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларини мана мен ривожлантираман, деган авлод камолга етмоқда.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

ИБРАТ

ҲАМИША ШУНДАЙ БЎЛАВЕРМАЙДИ

Бир кун кўчада сайр қилиб юрган киши йўл чегида ўтирган кекса одамни кўриб қолди. У мўйсафиднинг қаршисига келиб, мурожаат қилди:

– Отаҳон, улуг ёшли инсон экансиз, анчагина узок ҳаёт йўлини босиб ўтсансиз. Шубҳасиз, жуда доно бўсангиз керак. Айтинг-чи, мана, мен ёш ва кучлиман-у, аммо ҳеч қаердан иш топа олмаёман, ўғлим гиёҳвандликка берибди, қизимни ҳам яхши тарбиялай олмаёман, аёлим эса кун бўйи уйда ўтирса ҳам, ҳеч қаерга қарамайди. Хўш, мен бу вазиятда қандай йўл тутишим керак? Нима қилсам, буларнинг ҳаммасини ўзгартира оламан?

Қария жавоб берди:
– Эшигинг устига кичкинагина тах-

тача осиб, унга “Ҳамиша шундай бўлавермайди” деб ёзиб қўй.

– Шу ҳолосми? – ҳайрон бўлди эркак.

– Шу ҳолос, – жавоб қилди кекса киши.

У уйига бориб, қария айтгандек қилди. Бир қанча вақт ўтгач, унинг ўғли гиёҳвандликни ташлади ва ҳатто қилган иши гуноҳ эканини тан олиб, тавба қила бошлади. Қизи ёш билан йигит билан яхши кўришиб, оила кўрди. Аёли ҳам ўзгарди ва рисоладаги бекага айланди. Эркакнинг ўзи эса сердаромад ишга жойлашди ва кўп ўтмай, ҳатто машина сотиб олди.

Кунларнинг бирида у таниш кўчадан ўтиб бораётиб, икки йилча олдин кекса мўйсафидни учратган жойида тўхтади. Қария ҳали ҳам шу ерда ўтирганди. Эр-


как унинг олдига яқинлашаркан, машинадан тушмаган ҳолда, унинг ойнасини очиб, сўз қотди:

– Ҳа, бобой, ҳалиям ўтирибсизми?

Мен бўлса, кўриб турганингиздек, анча нарасага эришдим. Ўғлим гиёҳвандликни ташлади, энди у тақволи йигит, қизим севиб, севилиб турмушга чиқди. Аёлим ҳам яхши рафиқага айланди. Ўзим ишга жойлашдим ва энди ишхонамда мартабали бошлиқман. Сиз эса ҳалиям ўшандек ўтирибсиз, нўноқ чол! Хўш, энди менга нима деб маслаҳат берасиз?

Бу гаплардан қариянинг чехраси ўзгармади, аксинча, у сўзбатдошига хотиржам тикилганча, деди:

– Ҳалиги тахтача бор эди-ку, ўшани олиб ташламагин...



<p>Xabar</p> <p>МУАССИСА</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ</p>		<p>Таҳрир Ҳайъати: Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт</p> <p>Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди. Баҳоси келишпиган нарҳда.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй (Мўлжал Олой бозори). Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Солижон ЗОИРОВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунни чиқади</p>	<p>Газета “Ўзбекистон” нашриёт матбаа уйи босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.</p>	<p>V 4770 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табақ. Адади: 5489</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 17.00 Босишга топшириш вақти — 24.00</p>	
<p>Вилоят муҳбирлари: Андижонда (74) 226-47-80, Бухорода (99)854-7305, Жиззахда (94) 199-95-64, Наманганда (91) 353-71-25, Навоийда (79) 225-91-10, Нукусда 554-35-45, Самарқандда (91)557-84-44, Термизда (99)508-30-52, Тошкентда 234-18-59, Урганчда (97) 211-65-05, Фарғонада (73) 244-18-05, Қаршида (93)931-08-99</p>					